



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

BUYRUG' I

20 19 yil "03" 04 262 -son Tashkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2019 йил 2 апрелдаги 14-7-Қ/Қ-сонли қарори ижроси тўғрисида

“Олий таълим муассасалари ва филиаллари тасарруфидаги академик лицей педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация комиссиялари таркибини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2019 йил 2 апрелдаги 14-7-Қ/Қ-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. “Олий таълим муассасалари ва филиаллари тасарруфидаги академик лицей педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация комиссиялари таркибини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2019 йил 2 апрелдаги 14-7-Қ/Қ-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент фармацевтика институти академик лицей директори И.Р.Сағатовга:

2.1. Катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш мақсадида академик лицейда эксперт гуруҳлари таркиби тузилсин ва тасдиқлансин;

2.2. Катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимларига талабгор педагог кадрларни ўқув фани бўйича малака синовида иштирок этишлари таъминлансин;

2.3. Катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимига талабгор педагог кадрларни мазкур буйруқ ҳамда аттестацияга оид меъёрий ҳужжатлар билан таништирилсин;

2.4. Давлат инспекцияси ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимларига талабгор педагог кадрларни “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом” ҳамда “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларининг

аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари” билан таништириш ва жойларда ўқув-семинарлар ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

3. Ушбу буйруқ ижроси юзасидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2019 йил 2 апрелдаги 14-7-Қ/Қ- сонли қарори

Ректор

И.И.Алимджанов

ASLIGA TO'G'RI

